Сийрат 173-дарс. Қуръондаги энг улуғ сура

20:00 / 18.02.2022 7040

676. Абу Саъид ибн Муъалла розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Намоз ўқиётган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чақириб қолдилар. Мен жавоб бермадим. Кейин бориб: «Эй Аллоҳнинг Расули, намоз ўқиётган эдим», дедим. **«Аллоҳ: «Аллоҳ ва Унинг Расули сизларни даъват қилганда ижобат қилинглар», демаганми?»** дедилар. Сўнг: **«Масжиддан чиқишингдан олдин Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатиб қўяман»**, дедилар. У зот қўлимдан ушлаб бошлаб кетавердилар. Масжиддан чиқай деб қолганимизда: «Эй Аллоҳнинг Расули, Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатиб қўяман, деган эдингиз?» дедим. ***«Алҳамду лиллаҳи Роббил аъламийн*. У – етти такрорланадигандир. У – менга берилган Қуръони азиймдир»,** дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Етти такрорланадиган» дейилганда Фотиҳа сураси кўзда тутилган.

677. Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Қуръонни қироат қилинг. У Қиёмат куни ўз соҳибларига шафоатчи бўлиб келади. Икки нур сочувчини – Бақара ва Оли Имрон сурасини қироат қилинг. Иккови Қиёмат куни худди икки булутга**

ёки икки соябонга ёки икки қуш галасига ўхшаб келади. Иккови ўз соҳиблари ҳақида тортишишади. Бақара сурасини қироат қилинглар. Албатта, уни олмоқлик (кўтариб олиш) **баракадир, уни тарк қилиш ҳасратдир. Баттоллар унга қодир бўлмайдилар**».

Муслим ривоят қилган.

678. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уйларингизни қабрга айлантирманглар. Бақара сураси ўқилган уйга шайтон кирмайди»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан